

**Гулнора ҚОСИМОВА**  
таянч докторант, ТДШИ

## **XVII аср – гэнроку даври адабиёти контекстида Ихара Сайкаку ижоди**

Ихара Сайкаку (1642-1693) япон адабиётининг танилган классикларининг қаторидан жой олган ижодкордир. XVII аср япон бадий тасаввурларининг ўзига хос жиҳати ва янгиликларини ўзида акс эттирган қисқа новеллалар устаси Ихара Сайкаку япон насридаги янги, демократик, реалистик йўналишнинг асосчиси саналади.

Ҳақиқий новатор Сайкаку нафақат япон адабиётида ижоднинг чегараларини кенгайтди, балки воқеликни бадий англашнинг янги тамойилларини кашф этди. Адибнинг ижоди натижаси ўлароқ, XVII аср япон насри кўплаб бадий-эстетик янгиликлар билан бойиб борди ва япон адабиётининг кейинги тараққиётига чуқур таъсир кўрсатди.

Ихара Сайкаку жанр хусусиятидан турли хил – ишқий, сеҳрли-фантастик, ҳарбий, суд ишларига оид масалаларни мужассамлаштирган новеллаларнинг муаллифидир. Шу билан бирга, адиб ижодида аниқ бир жанрга киритиш мураккаб бўлган “*чёнинмоно*” – “шаҳарликлар тўғрисидаги китоблар” деб номланувчи асарлар ҳам мавжуд. Бу каби асарларда қизиқарли воқеалар баёни кўп ҳолларда муаллифнинг насихатомус эссе руҳидаги, узундан-узун чекиниш, изоҳ ва мулоҳазалари билан тўлдирилган бўлади. Ваниҳоят, Сайкаку асарларининг ичида унинг эпистоляр жанрдаги новеллалари катта қизиқишни уйғотиб, улар XVII аср бадий адабиётининг ифодали ва ҳужжатли асарлари ҳисобланади.

Сайкакунинг бадий дунёқараши жуда кенг. У ўз асарлари учун материални миллий адабиёт хазинаси, ҳамда Япония маданиятига узоқ даврлар давомида аҳамиятли равишда таъсир ўтказиб келган Хитой бадий анъаналаридан ҳам олади. Бироқ, адибнинг асарлари доимо ўзида муаллифнинг шахсий қарашлари ва воқеликни ўзига хос ҳис этишни акс эттиради. Сайкаку томонидан яратилган барча бадий асарларда унинг кинояли, ўткир истеъдоди сезилиб туради. Сайкакунинг ижоди – индивидуал бадий услуб ва индивидуал бадий онг натижасидир. Табиатидан янгича дунёқараш эгаси ва такрорланмас ижодкор шахснинг дунёга келиши XVI-XVII асрларнинг ўзига хос хусусиятлари натижаси бўлиб, Сайкакунинг ижоди мазкур даврга хос ҳодисадир.

1603 йилда саркарда Токугава Иэясу (1543-1616) ички урушларга якун ясади ва майда феодалликларга бўлиниб кетган мамлакатни

бирлаштириб марказлашган ҳокимиятга асос солади. Тинчликни ўрнатилиши билан ҳукумат томонидан иқтисодни ривожлантириш йўлида эркин савдони қўллаб – қувватланиши, бирлашган ички бозорни шаклланишига замин яратди. Бу эса ўз навбатида, эркин савдо пул тизимини ёйилишига, ишлаб чиқаришнинг ривожланишига йўл очиб берди. Эдо, Осака, Нагасаки, Киото каби йирик савдо шаҳарлари юзага келди ва жадал иқтисодий ривожланиш, ишлаб чиқарувчи аҳоли вакилларининг қўлида катта маблағларнинг тўпланиши, ижтимоий қатламнинг ўрта синфларини юзага келтирди ва улар жамиятда муҳим рол ўйнай бошлади.

Токугава сулоласи (1603-1868) марказлашган ҳокимиятни мустаҳкамлаш ва ундаги сиёсий барқарорликни ушлаб туриш учун қаттиқ тартиб-интизомни ўрнатди. Феодализмга асосланган жамиятни муайян табақаларга бўлиш мазкур мақсадни амалга ошириш йўлидага биринчи қадамлардан бўлди. Токугава жамиятининг ижтимоий таркиби расман *ши* (харбий зодагонлар, самурайлар), *но* (деҳқонлар), *ко* (хунармандлар) ва *ше* (савдогарлар) қатлами кетма-кетлигига асосланган иерархик тизимда мустаҳкамлаб қўйилди. Савдогарлар илк маротаба алоҳида қатламга ажратилган бўлсалар-да, ишлаб чиқармайдиган куч сифтида ижтимоий поғонанинг энг қўйи қаторларидан жой олди. Сарой зодагонлари, буддавийлик ва шинто руҳонийлари ҳамда ҳар қандай ҳуқуқдан маҳрум қилинган синф – “эта”лар мазкур тизимга киритилмади.

Айнан мазкур даврда мамлакат тарихида илк бора шаҳарнинг кенг қатламлари учун таълим ва маданиятга йўл очилди. Токугаванинг мутлақ ҳукмронлиги маълум даражада оммани маърифатли бўлишига асос бўлиб хизмат қилди. Шубҳасиз, оммани маърифатга йўналтириш деганда япон ҳукмдорлари биринчи навбатда конфуцийлик таълимотига мурожаат қилиб, уни тарғиб қилишни тушунар эдилар. Чунки конфуцийлик ана шу даврнинг асосий мафқураси ҳисобланган. Оммани саводли қишиш йўлида “тэракоя” – яъни ибодатхоналар қошидаги мактаблар, конфуцийлик таълимоти ва фанларидан ташқари, япон тарихи ва адабиётидан сабоқ берувчи шахсий ва давлат мактаблари юзага келди. Бундай мактабларда имтиёзга эга бўлган қатламлар вакиллари билан бир қаторда, оддий шаҳарликларнинг фарзандлари ҳам таълим олиш имкониятига эга бўлдилар .

Саводнинг ўсиб бориши билан китобларга бўлган талаб кучайди ва XVI асрнинг охири XVII асрнинг бошларида ҳокимият ўз эътиборини китоб босиб чиқаришга қаратди. XVII асрнинг 20 – йилларида тижорат босмахоналарининг юзага келди ва ксилография (ёғочга ўйилган нақш ва ундан босилган сурат) усули билан китоб нашр қилиш мамлакат бўйлаб кенг

тарқалди . Ксилография усулида босиб чиқарилган китоблар кўп ададда чиқа бошлади ҳамда нисбатан арзонроқ ва шаҳар ўрта қатлам аҳолиси учун ҳамёнбоп бўлди ҳамда шаҳар оммаси орасида адабиётни кенг ёйилишига замин яратди.

Мазкур давр адабиётида– “кангакуха” (хитой илм-фани мактаби), “вагакуха” (миллий япон илм-фани мактаби) ва “чөнин бунгаку” (шаҳарликлар адабиёти) каби уч асосий бадиий-ғоявий адабий оқимлар мавжуд бўлди. “Кангакуха” вакиллари хитой фалсафаси (конфуцийлик), адабиёти анъаналари ва илм фанини тарғиб қилган бўлсалар, “вагакуха” тарафдорлари миллий анъана, урф-одат, маданий меросга таянган ҳолда хитой адабиётидан ҳоли, соф япон адабиётини яратишга интилдилар. XVII асрда ушбу оқимлар хитой ва япон мумтоз адабиётларини оммалашувига катта таъсир ўтказди. Масалан, кангакуха вакиллари *Гуй Ванъжун*, *Лю Сян* асарлари таржима қилиб нашр эттирдилар. Вагакуха вакиллари томонидан “*Зеркишдан қайдлар*” (“*Цурэдзурэгуса*”), “*Юз шоирнинг юз шеъри*” (“*Хякунин ишшю*”), “*Исэ моногатари*”, “*Ёстиқдаги қайдлар*” (“*Макуруно соши*”, *XI аср*), “*Кокинвакашю*” (*X аср*), “*Гэнжи моногатари*”, “*Манёшю*” каби илк ўрта аср бадиий асарларининг шарҳланиши ўрта қатламларининг элитар адабиёт шаклида мавжуд бўлган миллий мумтоз адабиёт билан яқиндан танишишига имкон яратди.

Бироқ, иккала гуруҳ вакиллари ҳақиқий ҳаётдан анчагина узилиб қолган эдилар. Хитой ёки ўз юртининг узоқ ўтмишига мафтун бўлган ушбу оқим вакиллари атрофларида нималар содир бўлаётганлигига эътибор бермадилар, уларни ўраб турган, ўз тартиби билан бошқа, уларга тушунарсиз бўлган йўналишда кечаётган ҳаётга қизиқиб кўрмадилар. Чунки, улар ўз идеалларини ўтмишда кўрар эдилар.

Шу сабабдан, юзага келаётган янги маданиятнинг вакиллари “кангакуха” ва “вагакуха” вакиллари эмас, балки шаҳарлик – савдогарлар ва ҳунармандлар синфи бўлди. Токугава даврида нимаики янгилик яратилган бўлса, барчаси айнан ана шу учинчи қатлам вакиллари томонидан яратилди. Улар яратган адабиёт япон адабиётида “чөнин бунгаку” яъни “шаҳарликлар адабиёти” атамаси билан номланди. Айнан шаҳарликлар адабиётининг юзага келиши натижасида “хайкай” шеърляти, “каназоши” ва “укиёзоши” насри ҳамда “кабуки” ва “жёрури” каби театрлар юзага келди.

XVII аср шаҳар маданиятининг энг гуллаб – яшнаган даври Гэнроку йилларига (1688-1704) тўғри келди. Мазкур “такрорланмас шукуҳ ва

қудрат”<sup>1</sup> йилларида Японияда бир – бирини илҳомлантирган ҳолда буюк адиб ва рассомлар ижод қилди. Хусусан, насрнавис *Ихара Сайкаку*, шоир *Мацуо Башё*, уста наққош *Хишикава Моронобу*, рассом *Огата Корин*, халқ ҳайкалтароши *Энку* шулар жумласидандир. Санъат вазифасини англашдаги тафовутга қарамай Гэнроку даври ижодкорларига бир умумий жиҳат – ижодда янги ҳис – туйғу ва ўй – фикрларни акс эттиришга онгли равишда интилиш хос эди. Ўша давр санъатининг энг аҳамиятли ютуқлардан бири бадий ҳис этиш чегараларини кенгайтириш, воқеликнинг идрок этишнинг янги бадий воситаларини излаб топиш бўлди. Даврнинг бундай умумий тенденцияси Ихара Сайкаку ижоди билан ўз камолот чўққисига эришган XVII асрнинг насрида ўзига хос тўлалик ва аниқлик билан намоён бўлди.

Замонавий тадқиқодчилар ихтиёридаги Сайкаку тўғрисидаги биографик маълумотлар миқдори камчиликни ташкил этади. Муаллифнинг фақат вафот этган санасигина аниқ бўлиб, у Гэнроку даври олтинчи йилининг (1693) июнь ойига тўғри келади. Мазкур маълумот Сайкакунинг Осака шаҳридаги қабрининг устига қўйилган қабртошга ўйиб битилган. Шу билан бирга, Сайкаку эллик икки ёшида вафот этганлиги ҳам аниқ маълумот ҳисобланади. Ёзувчининг ўлими олдидан битиб қолдирган мисралари бунинг исботи бўлиб, у қуйидагича: “*Оддий инсон ҳаёти одатдан эллик йил билан ўлчанади. Мен эса ажратилган муддатданда кўпроқ ҳаёт кечиришга муваффақ бўлдим*”, – шу ўринда учлик шеър келтирилади: “*Икки қўшимча йил//Насиб қилди менга баҳраманд бўлиш//Ўткинчи дунёнинг ойдан*”.

Шу равишда, аниқлик билан Сайкакунинг туғилган йили 1642 йилга туғри келади деган хулосага келиш мумкин.

Адибнинг асл исми Хираямо Того бўлиб, Сайкаку унинг тахаллуси ҳисобланади. Сайкаку ўз ижодий фаолиятини айнан шоир сифатида, XVII аср япон шеърлятида асосий жанр ҳисобланган “*хайкай*” жанрида ижод қилиш билан бошлади. Фақатгина 1682 йилдан бошлаб, яъни “*Ёлғиз эркакнинг ишқий саргузаштлари*” (“*Кошоку ичидай отоко*”) деб номланган романи нашр этирилиши билан умрининг охиригача насрнавис ижодкор сифатида фаолият олиб борди.

“Ёлғиз эркакнинг ишқий саргузаштлари” романи “ишқий эҳтирослар ҳақидаги китоблар” (“*кошёку моно*”)нинг бутун сериясини бошлаб берган бўлиб, уларда проблематиканинг кенгайиб боришига қараб муаллифга замондош бўлган ҳаётнинг янги жабҳалари ўз ифодасини топган. Бундай китоблар қаторида – китобхонлар доирасида машхур бўлган ҳамда роҳат ва

---

<sup>1</sup> Конрад Н. Очерки японской литературы. М., «Наука», 1973, с.289

хурсандчиликлар “фоний дунёси”даги аёлларнинг фожиавий тақдирларини аёвсиз ҳаққонийлик билан ҳикоя қилувчи *“Муҳаббатга мувтало беи аёл”* (*“Кошоку гонин онна”, 1686*) новеллалар тўплами мавжуд.

Сайкаку ижодида баланд ишқий эҳтирослар мавзуси билан бирга муаллиф учун муҳим бўлган, ўз тақдири ва бахт-саодатининг ҳал қилувчиси сифатида гавдаланувчи инсон мавзуси ҳам катта аҳамият касб этади. Мазкур мавзу *“Япониянинг боқий хазинаси”* (*“Нихон эйтайгура”, 1688*), *“Дунёда яхши ҳаёт кечирши ҳақида қимматли фикр-мулоҳазалар”* (*“Сэкен мунэсанъё”, 1692*), *“Сайкаку томонидан тўқилган сўнги нақшлар”* (*“Сайкаку оридомэ”, 1694*) каби тўпламлардан ташкил топган “шаҳарликлар ҳақидаги китоблар” циклини ташкил этувчи асарларда ишлаб чиқилган.

Сайкаку томонидан яратилган “шаҳарликлар ҳақида китоблар” аниқ мисоллар орқали китобхонларга “бу дунёда қандай қилиб фаровон ҳаёт кечирши кераклигини” кўрсатиб берувчи ҳаёт донишмандликлари мужассамланган ўзига хос бир ўқув қўлланма сифатидаги асарлар ҳисобланади. Сайкакунинг бундай ғоясидан “шаҳар” новеллаларининг икки муҳим ўзига хос жиҳатлари келиб чиқади: биринчиси уларнинг худди ҳужжатлардагидек ажабланарли даражадаги аниқлиги ва ишончилиги бўлса, иккинчиси панд-насиҳатга тўлалиги ва ибратлилигидир.

“Шаҳарликлар тўғрисидаги китоблари”да – XVII аср япон шаҳарларининг бутун ҳаёти, маиший ҳаётнинг деталлари ва ранг-баранг тафсилотлар билан тасвирланади. Ушбу асарларда шаҳарликларнинг бутун ҳаёти ундаги ташвиши ва ўйин-кулгулари, иш ва байрам кунлари, эътиқодлари билан биргаликда келтирилади. Очерк жанрига хос услубда Сайкаку мамлакатнинг турли ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳолининг урф-одатлари ва расм-русумлари ҳақида ҳикоя қилади, ўз даврининг реал одамлари ва ҳақиқатда содир бўлган воқеа-ҳодисларни таъкидлаб ўтади. Кўчалар, кийимлар, пул бирлиги, маиший турмушнинг ҳар қандан тафсилотлари каби даврнинг моддий белгилари адиб новеллаларида тўқима ва ҳақиқат бир-биридан ажралмас бўлиб туюладиган фонни юзага келтиради.

Шаҳарликлар тўғрисидаги новеллаларнинг композицион тузилиши жудда мураккаб ва кўп планлидир. Уларда ҳикоя қилиб беришга асосланган ва эссе адабиётига хос икки жиҳат мужассамлашган. Сюжет парчалари пейзаж тасвири келтирилган эпизодлар ва муаллифнинг насиҳатомуз жумлалари билан навбатма-навбат келиб, улар билан ассоциациялар, ёки кескин фарқлар билан боғланади.

Адибнинг кўриш доираси ҳақиқатдан ҳам жуда кенг. У нафақат муваффақиятга эришган савдогарнинг данғиллама ҳовлисини, балки қашшоқ

одамларнинг фақирона кулбасини ҳам кўра олади. Унинг новеллаларида киноя ва ҳазил орқали ҳақиқий кундалиқ ҳаёт можаролар очиб берилади.

Шаҳар ҳаётига бағишланган новеллалар бир вақтнинг ўзида ҳам кизиқарли, ҳам насихатомуз, дидактик асарлардир. Уларнинг ҳар бирида муайян бир ахлоқий ва маънавий сабоқ мавжуд. Сайкаку шаҳарлик китобхонларни жамиятдаги ўз ўрнига мос равишда тутишга ўргатади, тежамкор ва тиришқоқ бўлишга чақиради. Ўзини “муносиб равишда” тутиш қоидалари муаллиф томонидан етарлича аниқ шакллантирилади ва батафсил асосланади. Шундай бўлсада, Сайкаку-санъаткор Сайкаку-насихатгўй устидан ғалаба қозонади. Адибнинг ҳаёт тўғрисидаги билимлари бахтли тақдир ҳақидаги шаҳарликлар табақасига хос тасаввурларнинг тор доираларига сиғмайди. Тежамкорлик тамойилларини тарғиб қилиш билан биргаликда Сайкаку бир вақтнинг ўзида хасис одамларнинг гротеск образларини ҳам яратади. “Шаҳарликлар тўғрисидаги китоблар”даги жиддийлик дарҳол пародия қилиниб, кулгу билан рад қилинади. Ёзувчининг тасвирланаётган объектга ташқаридан қарай олиш қобилияти асар баёнини жиддий ва ўша давр, муҳитнинг қотиб қолган идеалларидан олиб чиқиб, уни ҳаётий ва ишонарли қилади.

Реал воқеликка яқинлик, қувноқ ва маиший ҳаётнинг рангли тафсилотларига бўлган эътиборни ўзида мужассамлаштирган “ишқий” ва “шаҳар ҳаёти”га бағишланган новеллалар қаторида Сайкакунинг самурайлик тўғрисида ҳикоя қилувчи “ҳарбий” новеллалари (*“Ҳарбий санъатни ўртоқлашиш тўғрисидаги қайдлар”* (*“Будо дэнрайки”*, 1687) ҳамда *“Самурайлик бурчи тўғрисида қисса”* (*“Букэгири моногатари”*, 1688)) бироз эскиргандек туюлади. Уларда воқеликни тасвирлашнинг ва инсон характерини талқин қилишнинг муқобил тамойилларини муаллифга кўрсатиб берувчи ўрта асрларга хос ҳикоя қилишнинг бадиий анъаналари билан ўзаро алоқалар сезилади.

Сайкакунинг “самурайлар” тўғрисидаги ҳарбий руҳдаги новеллаларида бурч қонун-қоидаларига сўзсиз бўйсунувчи самурайларнинг идеал образлари гавдаланади. Инсон қадр-қиммати мазкур новеллаларда самурайлар одоб-ахлоқ қоидаларининг мезонлари ёрдамида белгиланиб, ушбу мезонларнинг асосийларидан бири – самурайнинг хўжайинига содиқлиги, унга етказилган озор учун қасос олишга тайёрлиги, бурчи йўлида ўз ҳаётини ҳам қурбон қила олиши кабилардир.

“Кўркмас ва олижаноб” идеал жангчилар, самурайлар тўғрисидаги асарлар “жасоратли қаҳрамон” образларини китобхондан ажратиб турувчи пиетет масофага мухтож бўлади. Самурайлар тўғрисидаги асарлар жиддий,

дидактик ва тақдирнинг олдиндан белгилаб қўйилганлиги тўғрисидаги ғояларга бўйсунди.

Сайкаку қаламига мансуб “самурайлар” тўғрисидаги тўпламларда ғоявий-бадий тизимининг анъанавийлигига, мантиққа зид эканлигига қарамай, уларда хатти-ҳаракатлари юксак шахс қадриятларига бутунлай бўйсунувчи шахслар – самурайларнинг “одоб-ахлоқ нормаларига оид” тасаввурларига қарши чиқувчи шахсни англашнинг янги тамойиллари ўз ифодасини топган.

Айнан самурайда фақат, асосий вазифаси “камончилик ва чавандозлик санъатида маҳоратини ошириш” бўлганлиги билангина “хом сут эмган бандадан” ажралиб турувчи одамни кўра олиш Сайкаку бурч йўлида ўз ва яқинларининг жонини қурбон қилишга мажбур бўлган қаҳрамонларидан завқланганлигини эмас, балки уларга ачинганлигини англатади. Инсонпарвар Сайкаку қаҳрамонларини азоб-уқубатларга солувчи самурайлар одоб-ахлоқ қоидаларида таназзул ва чекланганликни кўради.

Сайкаку бадий ижодида хитой адабиёти намуналарига кўп муурожаат қилган бўлиб, *“Япониянинг одобсиз йигирма фарзандлари”* (*“Хончэ нижю фуко”, 1686*) новеллалар тўплами бунинг яққол мисолидир. Унда *“Фарзандлар ҳурмат-эҳтиромининг йигирма тўрт намунаси”* номли хитой асарининг образли тизими нафақат сезиларли даражада ўзгартирилади, балки онгли равишда пародия қилиниб, қайта талқин қилинади.

Таъкидлаганимиздек, одобли фарзандлар тўғрисидаги дидактик ҳикояларнинг хитойча тўплами XVII аср Японияда нафақат таржима, балки қайта талқин ва адаптация варианларида жуда машҳур бўлган. Япон муаллифлари хитойча манбага асосланган ҳолда ўзларининг “фарзандлик бурчинини бажариш”нинг муносиб мисоллари тўғрисидаги шахсий асарларини яратдилар. Мазкур асарлар асл манбадан фақат асарлардаги воқеалар “Ямато мамлакатида” (Япониянинг қадимдаги номланиши) содир бўлганлиги, қаҳрамонларнинг исми японча келтирилганлиги билангина фарқланган. Сайкаку ўзининг асарида хитой асарларини адаптация қилишнинг ушбу услуби билан баҳсга киришади.

“Япониянинг одобсиз йигирма фарзандлари” хитой адабиётидаги ота-онага ҳурмат ва эҳтиром кўрсатувчи фарзандлар ҳақидаги дидактик ҳикоянининг “салбий” мисоллар орқали кўрсатилган вариантыдир. Хитойча тўплам қаҳрамонларининг хатти-ҳаракатлари бутунлай конфуцийлик таълимотидаги фарзандлик бурчининг тамойилларини амалга оширишга бўйсундирилган бўлса, Сайкакунинг қаҳрамонлари бевосита мазкур тамойилларига зид иш туттади.

Сайкакунинг ўткир пародиялари фарзандлик диёнати принципларига ҳам, ҳатто хитой тўпламининг мазмунига ҳам йўналтирилмаганлигини осонгина пайқаш мумкин. Асл хитой манбасига хос қаҳрамон тўғрисидаги идеаллаштирилган тасаввур Сайкакунинг асарида пародия қилинади ва кинояли ҳолда четга чиқарилиб қўйилади. Сайкакунинг қаҳрамонлари – антиқаҳрамонлар, фарсга оид характерли антиқаҳрамонлардир ва шу сабабдан адибнинг тўплами ахлоқий нуқтаи назардан асл манбадан фарқланади. Шубҳасиз, Сайкаку ота-оналари олдидаги ўз бурчларига бепарво фарзандларни ҳамиша қоралайди.

Анъаналардан ўзлаштирилган ҳар қандай материал хоҳ у алоҳида сюжет, аниқ бадиий асар, хоҳ бутун жанр модели бўлсин, уларнинг барчаси Сайкаку ижодида янгича талқин қилиш жараёнидан ўтади.

*“Сафар сиёҳдони”* (*“Футокоро сузури”*, 1687) тўпламида Сайкаку ўрта аср япон насрида кенг тарқалган сеҳрли-фантастик новеллалар жанрига мурожаат қилади. Мазкур жанрдаги аксарият асарлар мамлакат турли ҳудудларига амалга оширилган саёҳат давомида кўрган, эшитган ёки бошидан кечирганлари ҳақида сўзлаб берувчи дарвеш-руҳонийнинг ҳикоялари шаклида ифода қилинади. Сайкакунинг асари ҳам бундан истисно бўлмай, унинг новеллалари мазмунини Банзан исмли руҳоний томонидан ҳикоя қилинувчи ажиб ва қизиқ ҳикоялар ташкил этади. Жанрнинг баён қилишнинг тайёр қолипи Сайкакунинг асарида қандай бўлса, шундайлигича қўлланилади.

Мазкур жанрнинг олдинги образларидан фарқланувчи жиҳат авваламбор, муаллифнинг “мўъжиза”, “ажойибот”ларга бўлган муносабатидадир. Агар мўъжиза ўрта аср адибларини табиий равишда қизиқтирган бўлса (айтиш жоизки, ғаройиб воқеа-ҳодисалар уларнинг асарларида гуноҳлар учун жазонинг муқаррарлиги тўғрисидаги буддавийлик ғоясининг ўрнакли намунаси сифатида кўп учрайди), Сайкаку учун ажайибот фантастика ёки сеҳр-жоду доирасида эмас, балки инсонлар тақдири ва феъл-атворидаги ноодатий жиҳатларида намоён бўлади.

Сайкаку бадиий услубининг реалистик тамойилларга асосланганлиги унинг дунёвий ҳаётга бўлган муносабатининг натижаси бўлиб, адибнинг фикрича ушбу ҳаёт ўрта асрларда талқин қилинган “юксак”, “мутлақ” воқеликнинг оғоши ва нотўғри акси эмас, балки “инсон фаолиятининг” биргина ҳақиқий ва реал “дунёси” эди. Реал ҳаётга, унинг “нариги” дунё билан алоқаларидан қатъий назар қизиқиш Сайкаку ижодида (ўрта аср япон адабиёти билан таққослаганда) умуман ўзгача бадиий умумлаштириш усуллари ва инсон шахсиятини тасвирлашнинг тамойилларини



шаклланишига асос бўлиб ҳизмат қилди<sup>2</sup>. Сайкаку насрида инсон характери нафақат ҳодиса ва унинг ҳаракатларида, балки унда содир бўлаётган, юзага келган кечинмаларда ҳам намоён бўлади. Содир бўлаётган ҳодисаларга жавобан жонли ва эмоционал муносабат ҳамда муайян даражадаги ўз-ўзига баҳо бериш муаллифга хос жиҳат. Ваниҳоят, унинг бадий нутқида муаллиф ёки бошқа қаҳрамонлар нутқининг белгилари билан мос келмайдиган аниқ ўзига хос жиҳатлар хосдир.

Шу жиҳатдан *“Бир тўп эски мактублар”* (*“Ёрозу но фумихогу”*, 1696) тўплами қизиқ бўлиб, унда характерларни индивидуаллаштириш тамойиллари ва қаҳрамонларнинг нутқи юқори даражада мукамал ҳамда кетма-кетлик билан ўзининг амалий ифодасини топган. Ушбу тўпламнинг новеллалари ўзига хос эпистоляр монологлар бўлиб, уларнинг ҳар бири “фоний дунё” вакиллари овози ва нутқининг жонли оҳангини китобхонга етказиб беради. Мазкур монолог-мактубларнинг “муаллифлари” бўлмиш ўзига ишонган савдогар, бахтсиз бахт изловчиси, ғам-ташвишдан адо бўлган аёл, фақатгина дунёвий лаззатлар ҳақида ўйловчи руҳоний ўз мактубларида ўзларича ва ўз муаммолари ҳамда ташвишлари ҳақида сўзлайдилар. Уларнинг хатлари ўз тақдилари каби чигал ва бир-бирига қарма-қарши. Ҳозирги кунгача японларнинг кундалик ҳаётида энг расмийлаштирилган жабҳа саналувчи мактублар шаклидан фойдаланилган ҳолда яратилганлигига қарамай, тўплам образларининг ўз фикрини ифода қилишидаги жонлилиқ ва табиийлиги билан айниқса ҳайратланарлидир. Новелла-мактуб жанри қаҳрамонларнинг нутқи ва эмоционал ҳолатидаги фарқни йўқотиш шартларини ўзида мужассамлаштириши керак эди, бироқ айнан унда муаллиф психологик таҳлили ўзининг энг юқори чўққисига етади. Қаҳрамон нутқларининг стилизациялаш ва индивидуаллаштириш, уларнинг характерини ёритишдаги психологизм – Сайкаку реализмининг муҳим ютуқлари бўлиб, бу янги давр япон насрида инсон шахсиятининг мураккаб ва кўп планли талқинининг асоси ҳисобланади.

Ихара Сайкаку томонидан турли йилларда ва турли жанрларда яратилган асарларнинг ҳар бири ўзига хос жиҳатларига эга. Бироқ, уларни умумийликда олсак, улар бир бадий бутунликни ташкил этади. Мазкур бутунликнинг асосида нафақат муаллиф дунёқарашининг бирлиги, балки аниқ индивидуал ва такрорланмас услуб ҳам ётади. Унинг деярли барча асарлари ҳазил-мутойибани яхши кўрадиган ва китобхонда унга нисбатан муҳаббат уйғотадиган инсон томонидан яратилган. Сайкаку новеллаларидаги

---

<sup>2</sup> Конрад Н. Запад и Восток. М., «Наука», 1972, с.356

кулгу (муаллиф ихтиёридан ҳоли равишда юзага келган киноядан тортиб, кулгули гротескгача) – воқеа-ҳодисаларнинг тўлақонли иштирокчисидир. Кулгу ҳатто адибнинг жиддий, ахлоқий ҳамда риторик жумлаларигача кириб боради ва қувноқ кўп маъноликни бағишлаган ҳолда уларни жонлантиради.

Боккаччо, Чосер, Рабле, Сервантесларнинг услуби каби Сайкакунинг услубини киноя ва ҳазил-мутойибасиз тасаввур қилиш қийин.

“Ҳазил-мутойибани қўйиб юбориш ва оқилона гапларни ёзиш буюклар ақл-заковатига хос хусусиятдир...”<sup>3</sup> Мазкур сўзларни усталик билан оқилона фикрларни баён қилишни ҳаёт ва инсон ҳақидаги янги билимларнинг асослаш усули сифатида қўллаган Сайкакуга нисбатан тўлақонлича қўллаш мумкин.

Юксак бадиий қимматга эга Ихара Сайкакунинг ижоди инсоният “буюк зукколари”нинг асарлари – замонавий дунёнинг ранг-баранг ва кўп қирралари бадиий маданиятига пойдевор бўлган асарлари қаторидан муносиб ўрин эгаллайди.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Конрад Н. Очерки японской литературы. М., «Наука», 1973. – 462 с.
2. Конрад Н. Запад и Восток. М., «Наука», 1972. – 496 с.
3. Мигель де Сервантес Сааведра. Хитроумный идальго Дон-Кихот Ламанчский. Часть 2. М., Гослитиздат, 1955, с. 34
4. 富岡多恵子(2009)「井原の感情」講談社、257 p.
5. 片岡良一(1926)「伊原西鶴」至文堂、445 p.
6. 中嶋隆・篠原進(2007)「井原と浮世草子研究」笠間書院、302 p.

---

<sup>3</sup> Мигель де Сервантес Сааведра. Хитроумный идальго Дон-Кихот Ламанчский. Часть 2. М., Гослитиздат, 1955, с. 34